

ДУО НУТҚИЙ ЖАНРИ АДРЕСАНТИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (МАЗЛУМ ДУОСИ МИСОЛИДА)

Хасанова Фотима Мамановна

ЎзДЖТУ докторанти

Ўзбек ижтимоий жамиятида ислом динига эътиқод қилинганлиги боис маиший ҳаётда дуо нутқий жанри ислом дини кўрсатмалари асосида шаклланган. Ислом анъаналарига кўра, дуо адресанти одатда диний жиҳатдан муайян ижтимоий мавқега эга бўлган шахслардир. Масалан, ўзбек лингвомаданиятида дуо берувчилар ҳадисларда мавқеълари ўзига хос тарзда юқори қилиб кўрсатилган, азиз саналган инсонлар саналади. Булар қаторига Оллоҳ ҳамд этувчи пайғамбарлар, авлиё-ю анбиёлар, мулла, қори, шу билан бирга, оиланинг катта ва кекса ёшли аъзолари, ота-она, амма, хола, тоға, амаки, ака, опа қабилар, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан муҳтож кимсалар, ногиронлар, тиланчи, камбағаллар, мазлум кишилар, беморлар қабилар ҳам киритилади. Дуолар ижобатининг тезлиги диний жиҳатдан муқаддас ва азиз саналган кишиларнинг Оллоҳга яқинлиги билан боғланади, шу сабабли ҳам азиз кишиларнинг дуоси рад этилмайдиган дуо сифатида жамият тафаккурида қабул қилинади.

Мазлум кишилар дуоси баддуога тенглаштирилади. Баддуолар мазмунига кўра кишиларга зарар етказувчи, зиён келтирувчи тилакларни билдиради. Кишига зарар келтирувчи дуолар ичида баддуо, яъни ёмон тилак мазмунан ўзига хослиги билан бошқа салбий дуолардан ажралиб туради. Ушбу дуонинг қадимийлиги душман тарафидан очик хавф-хатар туғилган вақтда аввал ўтган пайғамбарлар, солиҳлар замонасига бориб тақалади. Баддуо гарчи натижаси кишиларга ёмонлик келтирувчи дуо бўлса-да, Пайғамбарлар томонидан ўқилган улуғ дуо турларидан саналади²⁰. Чунки унинг мазмунида ушбу мусулмон кишининг иккинчи бир кишига ёмонлик қилмаган ҳолда ушбу ишни Оллоҳ иродасига ташлаб қўйиш, ўзини Оллоҳ ҳимоясига топшириш ётади. Унинг мазмуни куйидагича:

«Эй Аллоҳ, ўзинг истаган шаклда уларга (қарши туришда) менга кифоя қил. Ўзинг истаган йўсинда улардан мени ҳимоя қил». Мазкур баддуо кетма-кетлиги лингвистик жиҳатдан мурожаат ва тилак нутқий актларидан ташкил топади.

Баддуо, яъни дуоибаднинг маиший шакли “Аллоҳ кифоя қилсин” шаклидир. Ушбу шаклнинг ўз тарихи бор. Ҳадисда келтирилишича,

²⁰ [РАСУЛУЛЛОҲНИ ИСТЕҲЗО ҚИЛУВЧИЛАРГА АЛЛОҲ КИФОЯ ҚИЛАДИ! — ahlisunna.uz](http://ahlisunna.uz)

Аллоҳнинг ўз расулига мурожаатида Расулulloҳни истехзо қилувчиларга Аллоҳ кифоя қилади²¹, дея айтилади. Дуоибад ортида Аллоҳнинг ўз қулларини ҳимоя қилиши назарда тутилади ва агар аллоҳ яратган банда мазлум мақомида бўлса, унинг ҳар қандай тилаги ижобат бўлади. Кифоя қилиш банда қилишга журъат қилмаган ишни Оллоҳ зиммасига олиши ва унинг ўрнига бажариш орқали у кимсани мазкур ишдан қутултиришидир. Кишига зарар берувчиларга қарши туриш, уларга жавоб бериш, жазосини бериш учун Оллоҳнинг кифояси назарда тутилади. Бу ишни Ғайб олами вакиллари ўз зиммасига олади. Бунинг исботи сифатида Ҳижр сурасининг 95-оятида «Огоҳ бўлки, истехзо қилувчиларга қарши Сенга кифоя қилиб қўйдик» дейилган жумлани асос сифатида келтириш мумкин. Мазлум кишининг мавқеи мазлумга озор етказилганлиги билан ҳарактерланади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муоз (розияллоҳу анҳу)ни Яманга юбораётганларида: *“Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл. Зеро, унинг дуоси билан Аллоҳнинг орасида парда-тўсик йўқдир”*, дедилар (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти). Ушбу ҳадис мазмуни шуни кўрсатадики, мазлумнинг дуоси Аллоҳнинг даргоҳига тўғри етиб боради ва ўз-ўзидан ижобат бўлади. Бунда ҳақорат қилинган, озор берилган, зарар етказилган кимса мазлум мавқеига ўтади, шу сабабли унинг дуоси ижобати сўзсиз амалга ошади.

Мазлум кишидан кечирим сўраш баддуони қайтариши мумкин, шу сабабли ҳам мазлумдан кечирим сўраш дуонинг қайтарилиши учун сабаб бўлиши мумкин.

Шундай экан, мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўлиш лозим. Расулulloҳ (сав) мазлум ҳақида гап борганда, *«Мазлумнинг дуосидан сақланинглар. Зеро, у булутга кўтарилади. Аллоҳ: “Иzzатим ва улуглигимга қасамки, гарчи озгинадан кейин бўлса-да сенга, албатта, ёрдам бераман”, дейди»* (Имом Таброний ривояти) каби фикрларни айтади.

Баддуонинг лингвистик матни “Оллоҳ кифоя қилсин” шаклида тузилар экан, ушбу жумлани айтишда кишининг озор чеккани, унга озор етказилган ҳолати муҳимдир. Шуни айтиш керакки, “Оллоҳга солдим”, “Оллоҳ бас келсин”, “Оллоҳ бор” каби жумлалар ҳам “Оллоҳ кифоя қилсин” жумласининг турли кўринишларидир.

Хулоса қилиб айтганда баддуо жумласи айтилаётганда кишининг ижтимоий мавқеи, руҳий ҳолати қабила ҳам муҳим аҳамиятга эга.

²¹ [РАСУЛУЛЛОҲНИ ИСТЕХЗО ҚИЛУВЧИЛАРГА АЛЛОҲ КИФОЯ ҚИЛАДИ! — ahlisunna.uz](http://ahlisunna.uz)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи билим. Тошкент, Моварауннахр”, 2018, 303-бет.
2. Раҳимберган Сапаев. Ислоҳ. Кўрсатма, ҳидоят, раҳмат. Т, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019, 198-бет.
3. Усмонхон Алимов. Суннат ва Ҳадис. Т. Моварауннахр, 2019, 14